



O'ZBEKISTON O'VOZI

2015-yil, 22-avgust. Shanba • 98 (32.001)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Бу кунларга
етганлар бор,
етмаганлар бор...

АЙНИ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ҲУДУДИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗМОҚДА. УЛАРДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, СИЁСАТЧИЛАР ҲАМДА ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДАГИ КИШИЛАР, КЎПНИ КЎРГАН НУРОНИЙ ОТАХОНУ ОНАХОНЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА. «КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?», ДЕГАН САВОЛ АСОСИДА ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ, ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИДАГИ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАР БИЛДИРИЛМОҚДА, ХОЛИС ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИЛМОҚДА.

► Давоми 2-бетда.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНиятлари, БУЮК БУНЁДКОРЛИКЛАР

Ҳаётда шундай неъматлар борки, унинг қимматини бирон-бир моддий бойлик билан ўлчаб бўлмайди. У нима деб сўралса, ҳар бир фарғоналик хўрлик, озодлик, мустақиллик, деб жавоб бериши аниқ.

Зеро, уч миллиондан зиёд вилоят аҳли бу неъмат нашидасини ўз ҳаёти, тақдири, бахтида ҳис этмоқда.



Бугунги Фарғона

кечагисидан ер билан осмонча фарқ қилади

► Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ҲАЙЪАТИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ТОМОНИДАН ИЛК БОР ЎТКАЗИЛАЁТГАН КўРИҚ-ТАНЛОВНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАР БОСҚИЧИ БўЛИБ ЎТМОҚДА.

АЙНИ ПАЙТДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛАРИНИНГ 30 ФОИЗИДАН КўПРОҒИ, ЯъНИ 12 500 НАФАРГА ЯҚИНИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХДПДАН САЙЛАНГАН 24 НАФАР АЁЛ ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА.

20-21 август кунлари Тошкент халқаро аэропортида «Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивалининг дастлабки меҳмонлари кутиб олинди.

«Шарқ тароналари»да иштирок этиш — бахт,

— дейди маврикийлик продюсер, «CYPER PRODUKTION» фирмаси арт-директори Перси Йип Тонг

— Менинг «CYPER PRODUKTION» номли фирмам бор. Биз Африка қитъасидаги санъаткорларни жаҳон бўйлаб турли концертларда, фестивалларда иштирок этишини таъминлаймиз. «Шарқ тароналари» Х халқаро мусиқа фестивалига Комор оролларида «Элисума» гуруҳини олиб келдим.



► Давоми 4-бетда.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Аҳоли саломатлигини асраш доимий эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар халқимиз саломатлигини асраш, аҳолининг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган давлат дастурлари доирасида бу йўна-

лишдаги ишлар кўлами янада кенгаётир. Хусусан, тиббий-ижтимоий йўналишдаги ҳуқуқий база тубдан такомиллашиб, жаҳон тиббиётининг илғор тамойиллари амалиётга кенг жорий этилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланаётган янги таҳрирдаги «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бунга мисолдир. Ушбу қонун лойиҳасининг мамлакатимизда тиббий-

ижтимоий ислохотларни ривожлантириш, инсон саломатлигини асрашда ўзига хос ўрни бор. Шу боис қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик ўртасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳи аъзолари мазкур таклиф ва тавсияларни умумлаштириб, улардан қонун лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган йиғилиш ҳам муҳокамаларга бой бўлди. Унда сиёсий партияларнинг фракциялари, тегишли вазирлик ва ташкилотлар мутахассислари қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Депутат таклифи, ташаббуси

ижтимоий масалалар ечимига хизмат қилиши зарур



Депутат давлат ҳокимиятининг олий, маҳаллий вакиллик органларида халқнинг ишончли вакили ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг зиммасида сайловчилар манфаатларини ҳимоя этиш вазифаси туради.

Бу жараёнда депутат катта ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлиб, қайсидир масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш

учун таклиф киритиши мумкин. Яна бир жиҳати борки, масалани шу тартибда яқунлаш билан иш битмайди. Мутасадди ташкилот раҳбарининг депутат юборган сўровга жавоби, сессия қарори ихроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш

ҳам талаб этилади. Шундагина парламент ва маҳаллий Кенгаш муҳокамасига қўйилган масала ижобий ечим топади. Энг муҳими, аҳолини ташвишлантириб келаётган муайян муаммо ҳал этилади, одамларнинг оғири енгил бўлади.

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон ХДП ташаббуси билан ташкил этилган депутатлар форумида шу масала диққат марказида бўлди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда депутат ваколати ва имкониятларига тўхталиб ўтишди, электрорат манфаатини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирди.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

БЕТАКРОРЛИГИНГ ДУНЁГА
ТАРАННУМ ЭТАМИЗ, ВАТАН!



■ Буюк Британия:
СЎНГГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИДА
АҲОЛИ ҚАНДАЙ ҒОЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАДИ?

■ ЎзХДП
МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Бухоро вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда Бухоро туманида «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказди.

КЕКСАЛАР –
ЭЪЗОЗДА

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг жойлардаги ижросини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда партия фаоллари, ёши улғу кишилар иштирок этди.

Давра суҳбатида мазкур лойиҳа доирасида ўтказилаётган тадбирлар партия Сайловолди дастурида белгиланган **маънавий ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш** масалаларида олиб борилаётган ишлардан бир намуна экани қайд этилди.

Ёлғиз кексалар, пенсионерларни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, аниқланган масалаларни ўз жойида ҳамкор ва мутаассадди ташкилотлар вакиллари ёрдамида ижобий ҳал этиш, шунингдек, мазкур масалалар юзасидан маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳисоботларини эшитиш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида масалалар киритиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир давомида ҳамкорлар билан бирга ёлғиз, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган кексалар учун маълум мутахассислар иштирокида бепул тиббий кўрик акцияси ташкил этилди. 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП
Бухоро вилоят кенгаши
Матбуот хизмати.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Депутат таклифи, ташаббуси

ижтимоий масалалар ечимига хизмат қилиши зарур

Хусусан, изчил депутатлик назоратини олиб бориш, назорат-таҳлил давомида аниқланган хато ва камчиликларни маҳаллий Кенгаш сессияларида, керак пайтда парламент даражасида муҳокама этиш масалалари, бу борада тўпланган тажриба таҳлил этилди. Мазкур йўналишдаги долзарб вазифалар юзасидан таклиф, тавсиялар билдирилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Бугун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда барча даражадаги депутатлар ҳамкорлигини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди у. — Бу депутатларимиз, фаолларимиздан катта масъулият талаб этади. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, жамиятда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалаларида депутатлар фаолиятини янада кучайтириш керак.

Одатда, партиямиз электоратини ўйлантираётган масалалар, катта-кичи муаммолар асосан қуйида яққолроқ кўринади. Шунинг



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

учун халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларидаги депутатларимиз ҳар қачонгидан кўра фаол ва ташаббускор бўлмоғи лозим. Маҳаллий партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатларни олиб кўрайлик. Уларни таҳлил этиш, ҳал қилиш жараёнида турли даражадаги депутатларимиз ҳамкорлигини янада кучайтириш қўл келади.

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари

вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлар ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳақида мулоҳазаларини билдириб ўтди. — Эътибор беринг, бугун ижро ҳокимияти устидан вакиллик ҳокимиятининг назоратини кучайти-

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимиз осуда ҳаёт кечираётгани бизнинг энг катта бахтимиздир. Шундай экан, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, юртимиз янада тараққий этишига ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

■ «БЕТАКРОРИМСАН, ЯҒОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Тошкент
вилоятининг
Бўстонлик
туманида
Бурчмулла деб
аталадиган бир
гўша бор. Унинг
таърифига сўз
ОЖИЗ.



ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Бурчмуллада «**Мустақиллик — энг улғу, энг азиз неъмат**» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, эл ардоғидаги санъаткорлар, партия фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов бундан 24 йил аввал халқимиз қалбидан асрлар давомида сақланиб келган тарихий орзу амалга ошгани, бизга озод ва обод, эркин ва фаровон мамлакатда яшаш ҳамда уни фарзандларимизга қолдириш бахти насиб қилганини фахр-ифтихор билан эътироф этди.

— Бунга осонлик билан эришилгани йўқ, албатта, — деди у. — Халқимизнинг сабр-тоқати, меҳнат ва заҳмати, тинимсиз курашлар эвазига ана шу толе қулиб бокди. Шу боис Мустақиллик биз учун энг улғу, энг азиз айём саналади. Демак, байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида барча даражадаги депутатлардан, партия фаолларидан ҳам катта масъулият талаб этилади. Халқимиз орасида, электрот ўрта-

сида ўтган давр мобайнида Ватанимиз босиб ўтган йўлни, амалга оширилган тарихий ишларни ҳолисона сарҳисоб қилиб, эришилган ютуқлар ҳақида суҳбатлар уюштириш, ёшларимизда ғурури-ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида тарғибот ишларини тизимли олиб боришимиз зарур.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, бу эса ўз навбатида, сиёсий қилишнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков мустақил тараққиёт йўлида дунёнинг ҳавасини келтирадиган ютуқ ва марралар негизинда юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, тотувлик ҳамда ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар мўжассам эканига эътибор қаратди.

— Президентимиз ҳаммамизга доим мураккаб даврда яшаётганимиз, ҳар тарафда ахборот хуружи авж олаётганини ўқитиб келади, — деди у. — Шу боис воқе-

Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида барча даражадаги депутатлардан, партия фаолларидан ҳам катта масъулият талаб этилади.

ликка теран мушоҳада билан қараш, жажонда ва ён-атрофимизда кузатилаётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқ чиқариб яшашимиз керак. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимиз осуда ҳаёт кечираётгани бизнинг энг катта бахтимиздир. Шундай экан, тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиб, юртимиз янада тараққий этишига ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

— Болалигим тўпрок кечиб, пахсали уйларда ўтган. Бу ҳақда на-бираларимга сўз очсам, ғамгин эртак эшитгандек ҳайратланишди, — деди **Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов**. — Устозим Шукр Бурхонов «хали биз орзу

қилган замонлар келади, сизлар унга гувоҳ бўласизлар», деганида у қадар эътибор қилмагандик. Бугун эса ана шундай нурафшон ва дорилмон кунларда яшаймиз, турмушимиз фаровон, обод ва тинч. Ўғил-қизларимиз учун замонавий мактаб, коллежлар, спорт иншоотлари кўп қаватли уйлар кўз ўнгимизда қад ростлаяпти. Ёшлигимизда иморат қуриш, автомобиль сотиб олиш ёки бирор бизнес қилиш у ёқда турсин, турли маросимлар ҳам ими-жимиди ўтказилган. Бугун эса ҳар кунимиз байрам, тантаналарга уланмоқда. Ўз ишимни йўлга қўяман, деган киши учун ҳамма шароит бор. Мана, биз кутган кунлар, орзуларимиз рўёби. Ҳар биримиз бунинг қадрига етишимиз, Мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўлишимиз керак. Бу бизнинг ҳам фарзандлик, ҳам фуқаролик бурчимиз, деб биламан.

Тадбирда яна қўллаб-қувватлаш, мулоҳазалар билдирилди. **«Бетақоримсан, яғонасан, Она Ватаним — Ўзбекистоним!»** шiori остидаги маданий-маърифий байрам тадбирларини юқори савидада ўтказиш, бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш бўйича чоралар белгилан олди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ҲАЙЪАТИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ТОМОНИДАН ИЛК БОР ЎТКАЗИЛАЁТГАН КўРИК-ТАНЛОВНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАР БОСҚИЧИ БўЛИБ ЎТМОҚДА.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли»

кўрик-танлови бошланди

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими **Назира Матякубова**га танлов қоидалари, мақсад ва вазифалари ҳамда уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ҳақида айрим саволлар билан мурожаат қилдик.

— Аввало, танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳақида гапириб берсангиз.

— Мазкур танловни ўтказишдан мақсад мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда ўз имкониятларини рўйбга чиқаришларига қўмклашишдир. Шунингдек, бу танлов Ўзбекистон ХДП Устави, Сайловолди дастури ҳамда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия сафидаги хотин-қизлар салоҳиятидан самарали фойдаланишимизда муҳим ўрин тутаяди, деб ўйлайман.

— Танлов қандай тартибда, неча босқичда ўтказилади?

— Танлов бир йилда бир марта босқичма-босқич ўтказилади. Низомига асосан туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида — 3 босқичда ташкил этилади. Август ойи давомида кўрик-танловнинг биринчи босқичи туман, шаҳарларда, иккинчи босқичи ноябрь ойида вилоятларда, учинчи — якуний босқичи эса кейинги йил февраль ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кўрик-танловда Ўзбекистон ХДПга аъзо 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган ижтимоий ҳаётда фаол, атрофидогиларга ҳар томонлама ўрнат бўла оладиган хотин-қизлар иштирок этади.

Республика босқичида қатнашган иштирокчи иккинчи бор кўрик-танловда қатнашиши мумкин эмас.

— Танлов шартлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Биринчи шарт — **Лойиҳа тақдимоти**. Лойиҳа мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганидан келиб чиқиб, бу борада самарадорлиқни янада оширишга қаратилган бўлиши лозим. Жумладан, лойиҳада хотин-қизлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, турмуш фаровонлигини ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда уларнинг ҳиссасини кенгайтиришга доир янги гоялар ўз ифодасини топиши керак. Лойиҳалар учун **«Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли»**, **«Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги — фуқаролик жамиятининг муҳим шартини»**, **«Ижтимоий ёрдамга муҳтожликдан — фаровон турмуш сари»** каби йўналишлар тавсия этилмоқда.

«Қонунаришимиз ҳаётимиз асосидир», деб номланган иккинчи шартда иштирокчилар партия-миз электорати манфаатларига дахлдор Ўзбекистон Республикаси қонунаридан бирининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунириб беради. Шу билан бирга, иштирокчилар қонуни партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш бўйича асосли ва аниқ таклифларини билдириши ҳам мумкин.

Ушбу шартда иштирокчининг нотиклик маҳорати, қонуний энг муҳим концептуал жиҳатларига бошқаларнинг эътиборини қарата олиши, ўз фикрини тингловчиларга раво ва содда тилда етказиб бериши, аудиторияни ўзига жалб эта олишига ҳамда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир таклифларининг ҳаётлиги, асослигига алоҳида эътибор қаратилади.

Учинчи шарт **«Сиёсий ҳозиржавоблик»** деб номланади. Унда иштирокчи 3 дақиқа мобайнида оғзаки бериладиган 10 та саволга тезкор жавоб бериши керак. Саволлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида тузилади. Шунингдек, дунё тарихидаги машҳур сиёсатчи аёллар ҳақида ҳамда бошқа мавзуларга оид тезкор саволлар берилади.

Танловда ҳакамлар ҳайъати таркиби 5 кишидан иборат бўлади ва Ўзбекистон ХДП кенгашларининг тажрибали ходимлари, сиёсатшунослар, депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда тузилади.

Ўйлаймизки, юксак сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга хотин-қизларни аниқлаш, уларни партия тизимига кенг жалб этиш, шунингдек, партиямиздан депутатликка номзод хотин-қизлар сафи кенгайишида мазкур танловнинг аҳамияти катта бўлади.

Гулурух ОДАШБОВА
суҳбатлашди.

■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНИЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БўЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ҚУЙИ БўҒИН ФАЛИЯТИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯМИЗ ОЛДИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БўЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



■ «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИНИНГ МАҚОМИ Тўғрисида»ги ҚОНУНГА БИНОАН ДЕПУТАТ ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСЛАРИДА ҲАМДА ЎЗИ САЙЛАНГАН КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАТНАШИШИ, ОВОЗ БЕРИШДА ТЕГИШЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИНING РЕГЛАМЕНТИДА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ШАХСАН ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК.

Истиқлол имкониятлари, буюк бунёдкорликлар

БУГУНГИ ФАРҒОНА

КЕЧАГИСИДАН ЕР БИЛАН ОСМОНЧА ФАРҚ ҚИЛАДИ

АВВАЛ ИҚТИСОД

Фарғона вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда етакчи ўринлардан бирида туради. Бундай нуфузга сартаром саноат корхоналари, деҳқончилик маданияти юксак қишлоқ хўжалиги, фидойи тадбиркорларнинг самарали фаолияти, бошқарувдаги ишбилармонлик, жамоаларнинг сидқидилдан меҳрати тўғрисида эришилган.

Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,3 триллион сўмни ташкил этиб, 107,1 фоизга ўсишга эришилди. Унинг таркибиде кичик бизнеснинг улуши 51,2 фоизга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 50,5 фоизга тенг бўлди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2824,4 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,0 фоизга ўсди. Худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,6 фоизга ўсиб, 700 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Худудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти улуши 19,7 фоиздан 24,8 фоизга етказилди. Халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ҳажми 846,5 миллиард сўмни ташкил этиб, 110,7 фоизга ўсишга эришилди.

Қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган ишловлар натижасида маҳсулотлар ҳажми 2231,6 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоиз юксалиш таъминланди.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИГА БОҒЛИҚ

Хали ёдимиздан кўтарилгани йўқ: дўкдор яширин даромадининг энг катта манбаси хориждан келтирилган маҳсулотни пештахта остида сотишда эди. Бугун Фарғона вилояти мисолида таққослаганда, бунинг аксини кўрамыз. Ҳозир Фарғона вилоятидан 73 давлатга 41 турдаги маҳсулот экспорт қилинмоқда.

2015 йилнинг биринчи ярмида биргина ҳудудий корхоналар томонидан 93,2 миллион АҚШ долларлик экспорт амалга оширилди. 2015 йил 1 июль ҳолатига кўра, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 142 тани (114 қўшма корхона, 28 хорижий корхона) ташкил этмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар ҳажми 562,7 миллиард сўмга, ўсиш суръати эса 118,6 фоизга етди.

Саноат корхоналари экспорти 99,2 миллион долларга етиб, вилоят жами экспортидаги улуши 41,7 фоиздан ортди.

2015 йилда экспорт жараёнига жалб қилинган корхоналар сони 2014 йилга нисбатан 29,5 фоизга ёки 33 тага ўсди. Вилоятдаги корхоналар томонидан Россия, Украина, Қозғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Корея, Хитой, БАА, Панама ва бошқа давлатларга маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Биргина 2015 йилнинг январь-июнь ойларида 12 та ана шундай корхона, жумладан, Марғилон шаҳрида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи «Ўзбекистон» — Хитой «Ол металл инвест», Фарғона шаҳрида резина буюмлар ишлаб чиқарувчи «Ўзбекистон» — Қирғиз Республикаси «Фарғона изланиш-иқтиро технологияси», тиббий хизмат кўрсатувчи «Ўзбекистон» — Жанубий Корея «Хусн чиройи» ва Хитой «Фарғона премиум медиал» хорижий корхоналари, Қувасой шаҳрида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи «Ўзбекистон» — Россия «Магма строй инвест», Бувайда туманида савдо хизмати кўрсатувчи «Ўзбекистон» — Қозғистон «Бахром трейд групп» ташкил этилди.

— Қўшма корхоналарни модернизация

Давоми. Бошланғич 1-бетда.



ция қилиш, маҳсулотни диверсификациялашга Ўзбекистонда яратилаётган имтиёз ва қафолатлар асосий омил бўлмоқда, — дейди «Фарғона-Хейб» корхонаси директори Жаи Ли-чен.

Дарҳақиқат, вилоятда 2012 йил якуни бўйича 22 қўшма корхона 11,6 миллиард сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар олган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 22,7 миллиард сўм, 2014 йил якунида эса 23 миллиард сўмдан ортди. Иқтисод қилинган маблаглар ўз навбатида корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга сарфланмоқда.

Мустақилликка қадрар вилоятда атиги 4 та энгил саноат корхонаси бўлиб, уларнинг маҳсулоти собиқ иттифоқ ҳудудидан ташқарига чиқмасди. Бугун эса пахта толасини қайта ишлайдиган ва ўз маҳсулотини Европа, Осиё, Америка қитъасига экспорт қилаётган замонавий технологияга асосланган 14 корхона фаолият кўрсатаяпти.

Энгил саноатни ривожлантириш дастурига асосан, айни вақтда Фарғона туманидаги «Fergana asiana» қўшма корхонасида Бирлашган Араб Амириятининг «Asia investment SZE» компанияси билан ҳамкорликда қиймати 6,5 миллион долларлик йилгига 3,7 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу мақсадда корхонага Туркиянинг «Пенсам», Германиянинг «Эрликон» компанияларидан энг замонавий жиҳоз ва ускуналар келтирилиб, якуний монтаж ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, Фарғона шаҳридаги «Фейхан текс» қўшма корхонасига Германиянинг «Трунчлер» компанияси, Бешариқ туманидаги «Бешариқ тўқимачи» МЧЖга «Rieter Uzbekistan» компаниясидан калава ип йиғирув машиналари олиб келиш бўйича шартномалар имзоланди.

Олтиариқ туманидаги «Хамза арт текстил» МЧЖга Хитой давлатидан йилгига 320 минг п/м газлама ишлаб чиқариш жиҳозлари, Марғилон шаҳридаги «Турон водий текс» МЧЖга Хитой давлатидан 310 минг долларлик йилгига 360 тонна сочиқ буюш жиҳозлари олиб келиниб, ўрнатилмоқда.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш мақсадида гўшт, сут, мева-сабзавотни қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ючам ускуналардан фойдаланиладиган янги корхоналар ташкил этиш ҳамда мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилган.

Жорий йилда Қўштепа туманидаги «Муҳаммад Умар Умид ерлари» фермер хўжалиги, Марғилон шаҳридаги «Рўзибоев Муҳаммадрасул» МЧЖ томонидан 2 та гўшти қайта ишлаш, Марғилон шаҳридаги «Марғилон агро» МЧЖ, Богдод туманидаги «Арабат Багдада» хусусий корхонаси, Ўзбекистон туманидаги «Навбахор концерв» МЧЖ томонидан 3 та мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳалари ҳамда Риштон туманидаги «ISE MASTER» МЧЖ, Фарғона туманидаги «Ёрдон», Қува туманидаги «Исломожон музқаймоқлари», «SMACK PRODUCT» ҳамда «SMACK GROUP» хусусий корхоналари томонидан 5 та сўтни қайта ишлаш лойиҳалари амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларга жами 3,3 миллиард сўм маб-

лағ сарфланиб, 105 янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериллаётгани, уларга қатор имтиёз ва имкониятлар яратилаётгани иқтисодиётнинг юксалишига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг янада фаровонлашишига хизмат қилмоқда.

Интернет тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ахборотлар доимий янгиланиб борадиган саҳифа очилиб, у орқали тадбиркорлик субъектларининг интерактив мулоқотини ташкил этиш, рўйхатга олувчи ва назорат қилувчи ташкилотлар ноқонуний фаолияти юзасидан шикоятлар тақдим этиш тартиби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот олиш йўли қўйилди.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 17392 тага етди. Уларнинг ЯИИМдаги улуши ҳам ортиб бориб, 51,2 фоизни ташкил этмоқда ёки ўтган йилга нисбатан 0,6 фоизга ошди, умумий бандлиқдаги улуши эса 79,2 фоизни ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 440,7 миллиард сўм микдорида тижорат банклари кредитлари ажратилиб, бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 мартага ортди. Улар томонидан 6 ойда 93,2 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

ДУНЁ ФАРҒОНАГА ИНТИЛМОҚДА

Сўнгги йилларда Фарғона вилояти иқтисодий ҳамкорлик учун жозибдор масканга айланиб бормоқда. 2015 йилнинг ўзида йигирмага яқин хорижий давлатлардан тадбиркор, иқтисодчи, журналист, дипломатлар вилоятга ташриф буюриб, унинг иқтисодиёти билан яқиндан танишди. Ҳозир ҳамкорлик шартномалари, ахдлашувлар имзолабди. Улар орасида Япониянинг Томиоко шаҳри мэри Кентаро Ивой, «Асахи Шимбун» газетаси муҳбири Хитоки Накагове, канадалик дипломат Натали Бриттон, Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси Алит Сантика, Венгриянинг Ўзбекистондаги маданият ва савдо масалалари бўйича ваколатхонаси раҳбари Йанеш Ванин, Германия, Франция, Исроил ва яна бир қатор давлат вакиллари музокаралар чоғида Фарғона вилоятида янги корхоналар ташкил этиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий алоқаларни йўлга қўйиш каби масалаларда бир тўхтама келдилар.

— Япониялик ҳамкорлар иштирокида Фарғона иссиқлик марказига қўшимча қуввати 57,7 МВт бўлган бу газ қурилмаси қуриладиган бўлди. Лойиҳага амалга ошириладиган Япониянинг HEDO, «Kawasaki Heavy Industries» компанияси иштирок этади, — дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси бошлиғи, ЎзХДП фаоли Рустамжон Сулаймонов. — Шу лойиҳанинг ўзида 80 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган. Канадаликлар нефть, газ, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, Индоне-

зия вакиллари энгил саноат, венгрияликлар фермерлик ҳаракати соҳасида, франциялик тадбиркорлар озиқ-овқат саноати тармоқлари бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдилар.

— Фарғонанинг табиати, урф-одатлари, одамларининг меҳмондўст ва меҳнатсеварлиги менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди Ҳиндистон маданият маркази директори доктор Маншу Сингх. — Икки халқ ўртасидаги дўстлик узок тарихга эга, аънавалари-мизда ҳам ўшашиқлар кўп. Биз иқтисодий алоқаларини мустақамлаб қолмай, маданий муштараклик борасида ҳам ҳамоҳанг лойиҳаларни амалга оширамиз.

Фарғоналик ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар қарс икки қўлдан чиқишини яхши билладилар. Улар жорий йилнинг ўзида Германия, Россия, Англия, Хитой ва яна ўндан зиёд мамлакатларга ташриф буюриб, инвесторларни Ўзбекистонга, Фарғонага тақлиф қилдилар. Янги-янги технология ва жиҳозлар келтирилди. Берлин сафари чоғида 100 минг долларлик Фарғона қовнулари етказиб беришга ахдлашдилар. Москвада «Пред экспо — 2015» халқаро кўргазмасида товар айирбошлашга, Қозонга қўрилган мева-салат, Саратовга тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилишга келишилди.

Англия сафарига эса Ўзбекистон туманида жойлашган «Муқимжон ҳожи ота» фермер хўжалиги ва Англия фуқароси Пунит Чавла ўртасида қўрилган мева-сабзавот маҳсулотларини (ёноқ, бодом, ёрғоқ, мағизлари) экспорт қилиш бўйича умумий суммаси 800 минг АҚШ долларига тенг ўзаро келишув имзоланди.

Германиянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш технологияси ишлаб чиқарувчи «Tompa» компанияси билан музокаралар олиб бортган фарғоналик тадбиркорлар 800 минг АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ва 100 минг АҚШ доллари микдорида технологиялар сотиб олиш бўйича келишувга эришдилар.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам бунёдкорлик, қурилишлар авжюда. Қўқон, Фарғона шаҳарларини қайта қуришнинг узок йилларга мўлжалланган истиқбол режаси амалга ошириляпти. Унга кўра, ҳар икки шаҳар мутлақо янги қиёфага кирди. Ҳозирда бош лойиҳа асосида кенг, раво кўчалар, майдону хиёбонлар, биринчи қавати савдо, маиший хизмат кўрсатиш ёки кичик ишлаб чиқариш шохбаси, юқори қаватлари офис, тураржой русумидаги янгича меъморий ечимга эга кўркам бинолар қурилмоқда. Олти ойдагина 1 триллион 8 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.

Фақат шаҳарлар эмас, узок, чет қишлоқларда ҳам бир-биридан гўзал уй-жойлар қурилмоқда.

— Бундай уйларда яшашни тасаввур ҳам қилмагандик, — дейди Чекшўра қишлоғилик Ғанижон Ҳамдамов. — Қишлоқнинг яшаш шароити шу-да, деб

умримиз ўтибди. Мана, бугун бутунлай бошқача ҳаёт. Бир ёқда меҳмонхона, бир ёқда ошхона, ҳаммоми уй ичидалигини айтмайсизми, яна Ўзбекистон айвон. Отасига раҳмат, шу иш бошида турганларнинг, газ, сув, чироқ — ҳаммаси муҳайё. Халқига бунчалар ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга раҳмат! Ватанимиз, қишлоқларимиз бундан-да обод бўлаверсин.

2015 йил дастури бўйича вилоятдаги 14 туман, 30 массивда 1019 уй-жой қурилиш режалаштирилиб, мазкур уй-жойлар қурилиши учун 85,9 гектар ер майдонлари ажратилди.

— Ҳозирги кунда уй-жойлар босқич-ма-босқич фойдаланишга топширилмоқда. Қурилиш ишларига 10 минг нафардан зиёд ишчи кучи ва 356 қурилиш техникалари жалб этилган. Олти ой ичида 95,0 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Мазкур уй-жойларнинг барчасини жорий йилнинг август ойи якуни билан фойдаланишга топшириш чоралари қўрилмоқда, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК Фарғона вилоят филиали директори Баҳодир Абдуллаев.

Бундан ташқари, фуқароларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мазкур ҳудудларда 4 маҳалла гузары, 2 савдо мажмуаси, 3 бозорча, 4 нон чеҳи ва 5 маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилиши бошланган.

Маълумки, уй соҳиблари тўлайдиган маблағ фақат айнан улар танлаган лойиҳа қурилишига қаратилади. Газ, сув, оқова, электр тармоғи, йўл қурилиши — буларнинг ҳаммаси бюджет ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ана шундай хизматлар учун 2015 йилда қуриладиган уйларга Фарғона вилоятининг ўзида 10 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

БУНДАЙ ЮРТДА ЯШАШ — БАХТ

Таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарали ҳамда ёрқин натижаларидан бири — лицей ҳамда касб-хўнар коллежларининг ташкил этилиши бўлди. Энди ҳар бир ёш йигит-қиз ўрта таълим доирасида бирон-бир касбни эгаллайди ёки ўзи қизққан фанни чуқурлаштирилган дастур асосида ўрганади. Бу эса таълимда ҳам демократик таъмоийлар қарор топганининг ифодасидир. Ҳуқуқи-ўзининг қизиқиши, интилиши, қобилиятини яратилган имкониятлар асосида йўналишда, ривожлантира олади. Фарғона вилоятида бугун 11 академик лицей, 144 касб-хўнар коллеж фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жорий йил бошида коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, барча битирувчиларнинг мутахассислиги ва яшаш манзили кўрсатилган рўйхат туман, шаҳар Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш марказларига, ҳар бир ҳудуддаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар касб-хўнар таълими муассасаларига берилди. Жойларда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларда битирувчилар иш бериувчилар билан бевосита мулоқотда бўлди.

— Бу йил коллежизмни саккиз мутахассислик бўйича 521 нафар йигит-қиз битирди, — дейди Олтиариқ туманидаги маиший хизмат касб-хўнар коллежи директори, ЎзХДП фаоли Улугбек Жомиев. — Уларнинг барчаси таълим муассасамиз, иш бериувчи ҳамда битирувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашмоқда. 80 нафар ўқувчи йил давомида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида иш бериувчилар билан шартнома тузган.

Корхона — коллеж — битирувчи ўртасида имзоланаётган шартномаларда барча томонларнинг манфаатлари ўз ифодасини топлмоқда. Корхоналар иқтидорли битирувчиларни, ўқувчилар эса ўзлари хоҳлаган меҳнат жамоасини олдидан танламоқда.

Ёшларимиз замонавий билим ва касб-хўнарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Мана бу рақамларга эътибор беринг:

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 спорт иншооти ва 100дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани, 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётгани тараққиёт сари дадил қадам ташлаётган навқирон юртимизнинг истиқболли келажагидан далолатдир.

— Мен Ўзбекистон туманининг чет қишлоқларидан бирида туғилиб, вояга етдим. Беш ёшимдан спортнинг теннис тури билан шуғулланиб келаман. Ҳозир Фарғона Олимпия заҳиралари спорт коллежининг 3-босқич ўқувчисиман. Мамлакатимизда биз, ёшларга яратилган чексиз имкониятлар тўғрисида ёш бўлсам, дунёнинг қўллаб-даватларида ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок етдим. Австралиянинг Сидней, Малайзиянинг Куала-Лумпур, Таиланднинг Бангкок шаҳарларида, Қозғистон, Россиядаги нуфузли мусобақаларда қўлбаси сафидан жой олдим. Ўтган йили эса Бангладешда ўтказилган халқаро мусобақада яқаллик ва жуфтлик баҳсларида фахрий биринчи ўринни олдим, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Сарвинозхон Саидқўжаева. — Шоксунанинг энг юқори поғонасида турганимда Ўзбекистон мадрҳаси янграб, байроғимиз кўтарилганида қалбим гурурга тўлади. Чунки мени шу она юрт тарбиялаб, вояга етказиб, дунё миқёсида номи тилга олинадиган спортчилар сафига қўлди. Бундай юртда яшамокнинг ўзи — бахт.

ҲАЁТИДАН РОЗИ КЕКСАЛАР

2015 йил Кексаларни ёзозлаш йили муносабати билан Фарғонада вилоят ҳудудий дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, 500 миллиард сўм ва 20,9 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағлар сарфланиши кўзда тутилган.

Вилоятда истиқомат қилаётган Иқимчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган аналлог ва рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган телевизорлар билан бепул таъминланди. Шунингдек, 305 нафар уруш қатнашчиси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мобил телефон аппарати бепул тарқатилди.

Жами 1147 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши ҳисобида вилоятдаги 616 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси, ёлғиз фуқаролар ҳамда иқтимоий муҳофазага муҳтож кексаларнинг уй-жойлари таъмирланди.

8454 нафар кекса чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Аниқланган касалликларни бўйича соғломлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Вилоятнинг 15 та қишлоқ, туманларининг узок ва бориш қийин ҳудудларида жойлашган ҚВГларга бириктирилган 10416 нафар кекса чуқурлаштирилган тиббий қўриқлар билан камраб олинди.


557 нафар фахрий санаторий-соғломлаштириш муассасаларида, 700 нафари эса вилоятдаги санаторийларда соғломлаштирилди.

Вилоятда кексаларнинг кинотеатрлар, театрлар, музейлар, концерт томошалари, бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул киришлари ташкил этилди.

— Вилоятда истиқомат қилаётган 1000 нафар кексаларга 280 миллион сўмлик кийим-кечак, уй-ўрғор буюмлари, маиший техника воситалари тарқатилди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Топлодод Холдоров. — «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» ширси остида кекса ёшдаги 206 нафар меҳнат фахрийси учун Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Андижон, Қўқон шаҳарларида сайёҳат ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун яшайдиган замон келди. Фарғоналик кексалар ҳаётидан рози бўлиб, Президентимизни дуо қилишади. Юртимизга, Фарғонамизга кўз тегмасин, дейишади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Муқимжон КОДИРОВ олган суратлар.



«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»ДА ИШТИРОК ЭТИШ — БАХТ

дейди маврикийлик продюсер,
«CYPER PRODUKTION» фирмаси арт-директори Перси Йип Тонг



Фаррух Алиев олган суратлар.

— Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Тошкентга келганимга кўп бўлмади. Бироқ таассуротларим бир олам. 30 йилдан бери санъат ичида юрибман. Лекин бирор мамлакатда мени Ўзбекистондагидек қутиб олишмаган. Шунинг билдимки, ўзбекистонликлар меҳмонни жуда қадрлайди. Улар санъатни, санъаткорларни севади. Баралла айтаманки, дунёдаги барча давлатлар санъат аҳлига ҳурматни Ўзбекистондан ўргансин.

— «Шарқ тароналари» ҳақида нималарни биласиз?

— Мен бу нуфузли фестивал ҳақида жуда кўп маълумотга эгаман. Аввало, интернет орқали суратлар ва видеоларни кўрганман. Бундан ташқари, юртингизга келган кўплаб африкалик санъаткор-

лар менга «Шарқ тароналари» ҳақида гапириб берганди. Шундан сўнг, Самарқандга бориш, ҳаммасини ўз кўзим билан кўриш истаги пайдо бўлди. «Шарқ тароналари»дек нуфузли фестивалда қатнашиш насиб қилганидан хурсандман.

— «Элису» гуруҳи ҳақида тўхталсангиз...

— Гуруҳ Комор оролларида истиқомат қиладиган учта яхкашон хонандадан иборат. Айтиш жоиз, улар ўз муҳлисларига эга бўлган санъаткорлардир. Мен ёш, ўрта ёш ва катта ёшдаги санъаткорларни бирлаштирдим. Мақсад ёшлик ғайрати ва катталардаги тажрибани умумлаштириш эди.

Элиасе Бен Жоме гуруҳнинг энг ёш аъзоси бўлиб, 2010 йилда Хинд океанининг «Энг яхши кўшиқчиси» деб топилган. Бастакор, хонанда ва гитаранинг моҳир созандаси бўлган Элиасе Комор ороллари ва Хинд океани

оролларидаги анъанавий таараб, мгодро, шигома, серебвалоло куйларини Фарб мусикасининг жаз, фанк, рок услубларидан олинган оҳанглар билан уйғунлаштириб, янги мусикий йўналиш яратган.

Гуруҳнинг «Соуби» тахаллуси билан машҳур бўлган аъзоси Атхумане Соубира бўлиб, миллий анъаналарни сақлаб қолиш, уни кенг оммага намойиш қилиш ишларида жуда фаол. Кўплаб чолғу асбобларини маҳорат билан ижро этади.

Гуруҳнинг доимо қулиб турувчи аъзоси Мвегне М'Мади Комор оролларида тобора унутилиб кетган кўшиқларни сақлаб қолиш, уларни келажак авлодга етказиш мақсадига кўп изланади.

Комор оролларидаги миллий чолғу асбобларидан бири — дзэн-дзени мамлакат бўйича фақат икки киши чала олади. Шулардан бири бизнинг гуруҳимиз аъзоси Мвегне

М'Мади. Афсусланарли томони шундаки, бу мусикий асбобнинг йўқолиб кетиш эҳтимоли йўқ эмас. Шу сабабли ҳам уни чалишни ёш авлодга ўргатиш керак.

— «Элису» гуруҳи фестивалда Комор оролларида хос бўлган миллий маданиятни қай даражада кўрсатиб бера олади, деб ўйлайсиз?

— Гап миллий маданият ҳақида кетар экан, аввало, айтишим керакки, «Шарқ тароналари»да ҳар бир чиқиш учун 15 дақиқа ажратилган. Бу вақт мобайнида бир мамлакат маданиятига хос бўлган барча жиҳатларни кўрсатиб бериш жуда қийин. Лекин шу ўринда фестивал ташкилотчилари айнан 15 дақиқа ажратгани бежиз эмаслигини таъкидламоқчиман. Бу ўз навбатида санъаткорларни янада кучлироқ тайёрланишга, қисқа вақт давомида бор маҳоратини кўрсатишга ундайди. Сизга бир нарсаси кўрсатсам майлими?

— Марҳамат.

Перси ноутбукни ёқиб, бир суратни кўрсатди. Унда мусиқачилар худди бизнинг доирага ўшаган чолғу асбобини чалаётгани акс этганди.

— Бу Маврикийнинг миллий чолғу асбоби бўлиб, номи раванн, — деб изоҳ берди Перси. — Мен интернет орқали ўзбек куй-қўшиқлари жамланган видеони кўрганман худди биздаги раваннга ўшаган мусиқа асбоби кўриб қолдим. Унинг номи доира экан. Уйга қатаётганимда, албатта, битта доира олиб кетиш ниятим бор...

Шундан сўнг, Перси Йип Тонгнинг суратга тушира бошладик. Дастлаб «юкорига сакрайман, шу ҳолатни суратга оласиз» деди. Айтгани бажарилди. Кейин у бизга «хоҳлайсизларми, Хитойнинг

миллий яккакураш тури — кунгфу услубида сакраб бераман. Ўша ҳолатни ҳам расмга оласизлар». Рози бўлдик, албатта. У кунгфунинг машҳур усулини биз кутганимиздан ҳам аъло даражада бажарди.

Суратга олиш ишлари якунланган, Перси мендан ўзбек тилида саломлашиш қандай бўлишини сўради. «Салом» ёки «Ассалому алайкум» дейиш кераклигини айтдим. У хайратланиб «Менинг мусулмон дўстларим жуда кўп. Улар ҳам ассалому алайкум деб саломлашади» деди. Унга ер юзидаги барча мусулмонлар шунча саломлашишини тушунтирдим: «Африкада яшайдими, ёки Ўзбекистондами, фарқи йўқ, бир-бирига ассалому алайкум дейди».

Шундан сўнг меҳмон яна баъзи сўзларни сўради. «Эрталаб нима деб саломлашади» деган саволга «хайрли тонг» деб жавоб бергандим «Менинг фамилиям Тонг-ку. Менинг фамилиям сизларда эрталаб дегани экан-да» деганича хайратини яшира олмади. Кейин мutoйиба оҳангиди «эрталаб мени кўрганда хайрли тонг, жаноб Тонг дейишаркан-да» деб қўшиб қўйди.

Хайрлашар эканмиз, жаноб Перси Йип Тонг бизга ўзининг фирмаси билан ҳамкорлик қиладиган санъаткорларнинг кўшиқлари ёзилган диск совға қилди. Фотомухбиримиз Фаррух Алиев ундан дастхат ёзиб беришини сўради. Перси қуйидаги сўзларни ёзди: «Менинг ўзбекистонлик дўстларимга тропик севги ила».

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тошкент халқаро аэропортининг кутиш зали ҳар доимгидан гавжум. Қаёққадир шошилаётган одамлар ичида 21 нафар бола ҳам бор. Улар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан амалга оширилаётган соғломлаштириш лойиҳасига кўра, Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниш учун жўнаб кетишмоқда.

Дардингни олай, болажон!

Отамурод Камолов, 5 ёшда Самарқанд вилоятидан:

— Менга дўхтирлар ҳали оёқларинг соғайиб кетади дейишди. Тузалганимдан кейин югура оламанми, футбол ҳам ўйнайманми, деб сўрадим. Ҳа, дейишди. Кейин роса хурсанд бўлиб кетдим. Бугун самолётда учиб кетамиз. Оёқларимни зўр дўхтирлар кўра экан. Катта бўлсам, футболчи бўламан. Кўп гол ураман.

Азамат Аҳмадов, 9 ёшда Бухоро вилоятидан:

— Бўйим тузалишини доим хоҳлаганман. Бу менинг энг катта орзуим. Рассом бўлишни ният қилганман. Соғайиб кетишим ҳақида эшитиб роса қувондим. — Бугун жўнаб кетаётган болаларга ходимларимиз ҳам ҳамроҳлик қилади, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббос Эргашев. — Болалар Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниб қайтишади. Яқин кунларда эса аввал юборилган болалар саломатлигини тиклаб қайтиб келишади.

2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган эди. Унга кўра, кам таъминланган оилалар фарзандлари республикадаги тиббиёт марказларида ҳамда Германияда даволанмоқда. 2002-2015 йилларда соғломлаштириш лойиҳаси доирасида Германияда 294 нафар бемор бола ўз саломатлигини тиклади.

«Friedensdorf International» халқаро ташкилотининг грант маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг шу даврига қадар республика бўйича жами 150 нафар туғма лаб танглай нуқсонли бўлган ногирон болаларда жароҳлиқ операциялари ўтказилди ва улар соғломлаштирилди. Шу билан бир қаторда мазкур лойиҳа доирасида туғма оёқ ва бўйин нуқсонли ташхиси билан 15 ёшгача бўлган 150 нафар бемор болаларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатилди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

AGROBANK

Мустақиллик байрами муборақ бўлсин, азиз юртдошлар!

Улуғ айём барчамизга тинчлик-тотувлик, оилавий бахт ва хотиржамлик олиб келишини тилаган ҳолда қуйидаги банк хизматини таклиф этамиз:

Уяли телефон орқали маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни Агробанк ҳамда Click компанияси ҳамкорлигида жорий этилган «Мобиль савдо» тизими орқали содда ва тез тўловни амалга ошириш хизматидан фойдаланинг.

mobilsavdo

sodda va tez to'lov

Мобиль савдо стикери мавжуд жойларда тўловни амалга оширишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Qishloq Qurilish Bank

жамоаси юртдошларимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги билан қутлайди!
Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида олиб бораётган ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Ушбу шодиёна арафасида Сизга энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда,

«SMS Banking» ва «Internet Banking» хизматларини таклиф этамиз!

Мурожаат учун: (+99871) 150-93-39, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва jismoniy шахслар, шу жумладан, хорижий сармоядорлар диққатига!

«MIROBOD DEHQON BOZORI» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари очик савдоларига тақлиф этади.
Акциялар «Elsis-Savdo» АЖнинг биржадан ташқари

очик савдолари орқали бир донаси 20 385 сўмдан сотувга қўйилган. Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони 1 147 665 донани (Устав фондининг 45,02 фоизини) ташкил этади.
Шошилинг, имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Мурожаат учун: «Elsis-Savdo» АЖ (+998-71) 236-21-82 e-mail: elsavdo@mail.ru
«Mirobod dehqon bozori» АЖ (+998-71) 254-38-97 mirobod.dehqonbozori@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.
Гувоҳнома №7087

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
10987
nuxxada
bosildi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

